

**Oybek X. SOTVOLDIYEV,**  
*Leading Researcher of the Department of  
Translations of the Imam Maturidi  
International Scientific Research Center.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [oybeksaydali1996@gmail.com](mailto:oybeksaydali1996@gmail.com)*

## **ИБН САЪД ЗУХРИЙ “АТ-ТАБАҚОТ АЛ-КУБРО” АСАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

### **АНАЛИЗ ПРОИЗВЕДЕНИЯ ИБН СААД ЗУХРИ “АТ-ТАБАҚОТ АЛЬ-КУБРО”**

### **ANALYSIS OF THE WORK AL-TABAQAT AL-KUBRA BY IBN SA'D ZUHRI**

#### **КИРИШ**

Бугунги кунда юртимизда ислом тарихи ва маданиятини ўрганишга катта эътибор қарашмоқда. Шу маънода мусулмон алломалар ёзib қолдирган бебаҳо меросни ўрганиш долзарб вазифага айланди. Биз илмий меросига кўп мурожаат қиласидан улуғ олимлардан бири Мухаммад ибн Саъдидир. Чунки у ёзib қолдирган “Ат-Табакот ал-кубро” асари илк ислом тарихи ҳамда мусулмон умматининг дастлабки уч табақаси – саҳоба, тобеин ва таба тобеинлар ҳаётини ўрганишдаги бирламчи манба ҳисобланади.

Ислом тарихчилари орасида ўзига хос ўринга эга бўлган Мухаммад ибн Саъд илк аббосийлар даврининг йирик намоёндаларидан, сийрат, ахбор, ансоб, рижол илмлари олими, ўз даврида Бағдоднинг йирик фақиҳи ва энг муҳими, табакот жанрининг асосчиларидан бири бўлган.

#### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Саъд ибн Маниъ ал-Котиб ал-Хошимий аз-Зухрий ал-Басрий ал-Бағдодийдир. Куняси – Абу Абдуллоҳ. Бироқ, унинг Абдуллоҳ исмли ўғли бўлгани ҳақида маълумот мавжуд эмас. Отаси Саъд ёки бобоси Маниъ Аббос розияллоҳу анхунинг мавлоси (озод қиласидан) бўлгани учун “Мавло Бани Ҳошим” ёки “Қураший” номини олган. “Ҳошимий” нисбаси билан зикр қилинишининг

боиси ҳам шу. “Табакот”даги таржимаи ҳолида эса Ибн Саъд “Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошимнинг мавлосидир” деб келтирилган. Баъзи манбаларда Қурайш қабиласининг Бани Зухра уруғига мансуб бўлгани учун “Зухрий” деб ҳам қайд этилган. Манбаларда онаси ёки умуман оиласи ҳакида бирор маълумот учрамайди. Узоқ вақт тарихчи Вокидийнинг қўлида таҳсил олиб, унга котиблик қиласидан учун “Котибул Вокидий”, “Соҳибул Вокидий” ва “Ғуломул Вокидий” лақабларини олган.

Ибн Саъд Басра шаҳрида туғилган. Унинг туғилган йили бўйича илк давр манбаларида бирор маълумот учрамайди. Кейинги давр олимларидан Имом Заҳабий эса бу борада иккита фарқли тарихни келтириб ўтган. Биринчисига кўра, Ибн Саъд 160/777 йилдан кейин (Заҳабий, 1996), иккинчисига кўра эса 168/784 йилда дунёга келган (Ибн Саъд, 1968). Шунингдек, манбалар Ибн Саъднинг вафот тарихи хусусида деярли иттифоқ қиласидан. Уларда келтирилишича, Ибн Саъд 230/845 йилда, 62 ёшида Бағдодда вафот этган. Ушбу сана эътиборга олинганда, унинг туғилган йили 168/784 йил бўлиб чиқади.

Ибн Саъд, 230 йилнинг 4-жумодул охир (845 йил 16 февралда) якшанба куни Бағдодда вафот этган ва “Бобаш-Шом” қабристонига дафн этилган. Баъзи манбаларда унинг вафот тарихи 222/837 ёки 236/850 шаклида келса-да, булар тўғри эмас. Зоро, унинг талабаларидан Ҳусайн ибн Фахум ва Ҳорис ибн Мухаммад ибн Абу Усомалар “Табакот” китобининг ўзида устозларининг 230/845 йилда вафот этганини таъкидлашган (Ибн Саъд, 2001).

Болалик даври Басрада ўтган Ибн Саъд жуда эрта ёшидан илм таҳсилига киришиди. Лекин, илк устозининг ким экани борасида маълумот мавжуд эмас. Аксари тобеин ва табаа тобеиндан бўлган Ҳушайм ибн Башир, Вакиъ ибн Жарроҳ, Абу Осим Набил, Орим ибн Фазл, Исмоил ибн Улайя, Аффон ибн Муслим ва Абул Валид Таёлисий каби олимлардан диний илмлар билан бирга араб тили ва адабиётини ўрганди ва улардан ҳадис тинглади. Кейинчалик ҳадис ва ахборларни ўрганиш мақсадида Куфа, Мадина ва Маккага сафар қиласидан.

Унинг ушбу саёҳатларини жуда ёш пайтида бошлагани, ҳануз йигирма ёшида Мадинада Ҳазрати Усмон оиласининг мавлоси Абу Алқама Фаравий билан учрашгани (хижрий 189 йил) бевосита ўзининг қайдларидан маълум бўлмоқда. Мазкур ривоят унинг ёшлигидан бошлаб илмга ўта эътиборли бўлганининг далили ҳисобланади.

**Аннотация:** Ушбу мақола улуг тарихчи, фақиҳ, муҳаддис Ибн Саъд Зуҳрий ва унинг қаламига мансуб машҳур “ат-Табақот ал-кубр” асарини тадқиқ этишига багишланган. Үнда олимнинг ҳаёт йўли, шимий сафарлари, фаолият соҳалари, ёзган асарлари, уламолар назидаги эътибори ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, “ат-Табақот ал-кубр” асарининг мазмуни, тузилиши, ривоятлари, замонавий нашрлари ва энг муҳими, унинг ислом тарихини ўрганишдаги аҳамияти ёритилган.

“ат-Табақот ал-кубр” асари ўз йўналишида ёзилган ва бизгача етиб келган асарларнинг энг қадимиysi ҳисобланади. Ибн Саъд бу китобининг дастлабки икки жилдида Пайғамбар алайҳиссаломнинг сийратларини ёритганидан сўнг саҳобалар, сўнгра тобеинлар, кейин эса ўз давригача яшаб ўтган олимлар биографиясини ёзди. Минглаб шахслар таржимаси ҳолини баён қилган ушбу китоб ислом оламида кенг тарқалиб, ислом тарихи бўйича энг муҳим ва кўп мурожаат қилинадиган манбага айланди. Буғунги кунда замонавий нашрлари амалга оширилган мазкур асар бўйича бир қатор замонавий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Зоро, “Табақот” ислом тарихининг дастлабки уч асарни объектив ёритиб, мазкур давр шахслари, муҳим тарихий воқеалари, жамият ҳаёти ва илмий муҳитини ўзига хос услубда баён қиласи.

Ибн Саъд ва “ат-Табақот ал-кубр” асарининг ҳали ўрганилиши, тадқиқ этилиши керак бўлган кўплаб жиҳатлари мавжуд. Мазкур мақола юртимиизда ушуб мавзу бўйича ташланган илк қадамлардан бири бўлади.

**Калит сўзлар:** Ибн Саъд, Табақот, сийра, магозий, ансаб, ахбар, ровий, миҳна, далаил ан-нубувва.

**Аннотация:** Данная статья посвящена исследованию великого историка, правоведа, муҳаддиса Ибн Саада Зухри и его знаменитого труда «ат-Табакат аль-Кубра». В нем рассказывается о жизни ученого, его научных путешествиях, сферах деятельности, его трудах, его уважение в глазах ученых. Также освещаются содержание, структура, повествования, современные издания «ат-Табакат аль-Кубра» и, самое главное, его роль в изучении истории ислама.

«ат-Табакат аль-Кубра» - одно из старейших произведений, написанных в его направлении, и сохранилось до наших дней. В первых двух томах этой книги Ибн Саад написал биографии сподвижников, затем последователей, а также ученых, живших до его времени, после того, как осветил биографии Пророка (да благословит его Аллах и приветствует). Эта книга, в которой рассказываются биографии тысяч людей, получила широкое распространение в исламском мире и стала самым важным и широко используемым источником в истории ислама. Сегодня проводится ряд современных исследований работы, которая опубликована в современных изданиях. Ведь «Табакат» объективно охватывает первые три века исламской истории, уникальным образом повествует о личностях этого периода, важных исторических событиях, общественной жизни и научной среде.

Есть много аспектов Ибн Саада и «ат-Табакат аль-Кубра», которые еще предстоит изучить. Эта статья будет одним из первых шагов, сделанных в нашей стране по этой теме.

**Ключевые слова:** Ибн Саад, Табакат, сийра, магази, ансаб, ахбар, рассказчик, миҳна, далаил ан-нубуввар

**Abstract:** This article covers the study of the life of the great historian, faqih, muhaddith Ibn Sa'd Zuhri, and his famous work “at-Tabaqat al-Kubra”. It tells about the scholar's life, his scientific travels, fields of activity, his writings, and his respect in the eyes of scientists. The content, structure, narrations, modern editions of “at-Tabaqat al-Kubra” and, most importantly, its role in the study of Islamic history are also presented.

“at-Tabaqat al-Kubra” is one of the oldest works written in its direction and has reached us. In the first two volumes of this book, Ibn Sa'd wrote a biography of the companions, then the followers, and then the scholars who lived up to his time, after covering the biographies of the Prophet (peace and blessings of Allah be upon him). Describing the biographies of thousands of individuals, this book spread widely in the Islamic world and became the most important and widely used source in Islamic history. Today, several modern research is being carried out on the work, which has been published in modern editions. After all, “Tabaqat” objectively covers the first three centuries of Islamic history, narrates the personalities of this period, important historical events, social life, and scientific environment uniquely.

There are many aspects of Ibn Sa'd and “at-Tabaqat al-Kubra” that still need to be studied. This article will be one of the first steps taken in our country on this topic.

**Keywords:** Ibn Sa'd, Tabaqat, seerah, maghazi, ansab, akhbar, narrator, mihnah, dalail an-nubuwawa.

Макка ва Мадинада яшаган даврида Пайғамбар алайҳиссаломнинг ғазот ва сариялари бўлиб ўтган жойларни ҳам ўрганиб чиқкан Ибн Саъд Мадинадан кейин Раққа ва Дамашқ, кейин эса Бағдодга йўл олди. Бағдоддаги илмий мухит уни ўзига ром этди. Умрининг сўнгига қадар шу ерда яшаб ижод қилди.

Унинг “ат-Табоқот ал-кубрө” асарини ўрганимизда у ривоятларини келтирган кишилар хадис, рижол, жарҳ ва таъдил, фиқҳ, қироат ва бошқа Куръон илмлари, сийра, мағозий, ахбор, футиҳ, шеър ва ансоб соҳаларининг эътиборли олимлари бўлишгани, ўзининг ҳам юксак заковат соҳиби ва турли илмлардан чуқур хабардор олим бўлгани кўзга ташланади. Шогирди ва “Табақот” китобининг ровийларидан саналган Ҳусайн ибн Фахум у ҳақидаги асарга илова қилган таржимаи ҳолда Ибн Саъдни илмга бой, жуда кўплаб хадис ва хабарлар соҳиби, хадис, ғарийбул хадис ва фиқҳ соҳаларида бир қатор асарлар ёзган олим сифатида тасвирлаган (Ибн Саъд, 2008).

### НАТИЖА

Ибн Саъд 200/815 йилда ташриф буюрган Бағдод шаҳри ўша даврларда илм-фан гуллаб яшнаган даврни бошдан кечиради. Бу ерда Ибн Саъд машҳур тарихчи Воқидийга шогирд бўлиб, унга котиблик қилди. Бу эса унинг “Котибул Воқидий”, “Соҳибул Воқидий” ва “Ғуломул Воқидий” каби лақабларни олишига сабаб бўлди. Устозининг вафотига қадар (207/823) ундан ҳеч айрилмади. Шу орада ҳам унинг ўзидан ҳамда кутубхонасидан унумли фойдаланди. Бу ҳақида асарининг турли ўринларида ҳам тўхталиб ўтган (мас. II/5; III/5). Шунингдек, унинг Воқидийдан ташқари Рувайм ибн Язид Муқрий, Мухаммад ибн Саъдон Зарир Куфий, Абу Зайд Ансорий, Мадоиний, Ибнул Калбий ва Мусъаб ибн Абдуллоҳ Зубайрий каби олимлардан қироат, араб тили, ансоб ва тарих каби илмларни таҳсил олгани ҳам маълум. Ибн Саъднинг жарҳ ва таъдил олимлари тарафидан “сиқа” деб қабул қилинган Суфён ибн Уяйна, Вакиль ибн Жарроҳ, Абу Нуайм Фазл ибн Дукайн, Ҳушайм ибн Башир, Валид ибн Муслим, Маън ибн Исо ва Сулаймон ибн Ҳарб каби олим ва муҳадислардан хадис олгани ўз замондошлари қаторида кейинги давр олимлари тарафидан ҳам мақтов билан ёд этилишига сабаб бўлган. Балазурий, Ибн Абу Дунё, Ҳорис ибн Абу Усома ва Абулқосим Бағавий каби олимлар эса ундан ривоят келтиришган.

Ибн Саъд устози Вокидийнинг 207/823 йилда вафотидан кейин Аббосийлар давлатининг пойтахти бўлган Бағдодда улкан шуҳрат қозониб, шаҳарнинг энг машҳур етти фақиҳи ва муҳаддиси орасидан ўрин олган.

Аббосий халифа Маъмун (813-833) Аҳмад ибн Абу Дуоднинг таъсирида 218/833 йилда Бағдод волийси Исҳоқ ибн Иброҳимга мактуб ёзиб, Воқидийнинг вафотидан кейин шуҳрати ортган Ибн Саъд бошлиқ шаҳарнинг етти нафар пешқадам фақиҳ ва муҳаддисларини “Халқ ал-Қуръон” мавзусида сўроққа тутишини ҳамда Куръоннинг маҳлук эканига ишонмайдиган олимларнинг хуқуқий ваколатлари бекор қилинишини талаб қилди. Волий Раққада уларни халифа Маъмуннинг хузурига олиб чиқди ва уларнинг бу борадаги фикрларини сўради. Ибн Саъд ва қолган олимларнинг барчаси Маъмун кутган жавобни бериб, жонларини сақлаб қолишиди. Ушбу воқеа Ибн Саъднинг мўтазилий сифатида ноҳақ айбланишига сабаб бўлган. Шу сабабдан Бағдодда шуҳрати ортгани ҳам айтилади. Лекин, бу ҳақиқатдан йироқ. Чунки ҳам хадис олимлари ва ҳам бошқа олимлар ўша мажлисда берилган жавоблар олимларнинг ўз розиликлари билан берилмагани, уларга ўтказилган тазиик боис шундай жавоб берганларини баён қилишган. Мазкур олимларнинг ичида бўлган Яҳё ибн Маън ўлим хавфи сабаб шундай жавоб беришга мажбур бўлганини очикойдин ифодалаган (Ибн Касир, 1990). Дарҳақиқат, Маъмун истаганидек жавоб бермаган ва шу сабабдан тазиикқа учраган Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам Ибн Саъднинг ушбу ҳаракатини маъқуллаш билан бирга жияни Ҳанбал ибн Исҳоқни ҳар жума куни унинг хузурига юбориб, Воқидийнинг хадис жузларини олиб келтириш орқали у билан илмий ҳамкорликни давом эттириш мумкинлигига ишора қилган. Шунингдек, жарҳ ва таъдил олимлари ҳам “Халқ ал-Қуръон” мавзусидаги тутуми сабаб Ибн Саъдга бирор айблов қўйишмаган (Муҳаммад Амин Йилдирим, 2014).

Ибн Саъд 4 жумодул-охир, 230 йили/845 йил 16 февралда Бағдодда вафот этди ва “Боб аш-Шом” қабристонига дағн этилди. Баъзи манбаларда унинг вафот тарихи 222/837 ёки 236/850 шаклида келсада, булар тўғри эмас. Зеро, унинг талабаларидан Ҳусайн ибн Фахум ва Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усомалар устозларининг 230/845 йил якшанба куни вафот этганини таъкидлашган. Шунингдек, айни маълумот “Табақот” китобининг ўзида ҳам келган. Бошқа тарафдан 230/845 йилдан кейин вафот этган баъзи шахслар биографиясининг

“Табақот”дан ўрин олиши китобнинг Ибн Саъдга мансублиги борасида тортишувларга йўл очган. Бироқ, булар Ибн Саъднинг ўз биографияси билан биргаликда унинг шогирди Ҳусайн ибн Фахум ёки бошқа бирор киши тарафидан илова қилингани борасида шубҳага ўрин йўқ.

Умрини илмга бағишлаган Ибн Саъд кичик ёшларидан бошлаб илмий саёҳатларга чиққан, борган жойларида ҳам йирик олимлардан дарслар олган ҳам илм улар билан алмашган. Ўз асарида, айниқса, Бағдод шаҳрининг илмга бойлиги ва маданий меросини акс эттиришга уринган. Ўзи ишонмаган ёки у ҳақда маълумоти бўлмаган ривоятларни асарига киритмасликка ҳаракат қилган. Шу сабабдан жарҳ ва таъдил олимлари Ибн Саъдни шарафли, фазилатли, тўғрисўз ва аксар ҳолларда сика шахс сифатида қабул қилишган.

Абу Ҳотим Розий ўз бобосининг: “Ибн Саъд рост сўзлайди. Муҳаддис Қавориийнинг ҳузурига бориб ундан ҳадис тинглаган”, деганини нақл қилган.

Хатиб Бағдодий Мусъаб ибн Абдуллоҳ Зубайрий сўраган бир ҳадис бўйича Яҳё ибн Маъиннинг Ибн Саъд ҳақида “у ёлғончидир” деган сўзига доир Ҳусайн ибн Фахумдан келган бир ривоят хусусида шуларни таъкидлаган: “Ибн Саъд илм, фазилат ваadolat аҳлидир. Китобига киритган ҳадисларини узоқ тадқиқ этганидан кейингина ёзгани унинг тўғрисўзлигини кўрсатади. Балки, Мусъаб Зубайрий Вокидий ривоят қилган мункар ҳадисни Яҳё ибн Маъиндан сўраган, у эса ёлғончи деган сўзни Вокидий учун ишлатган”.

Айни шу хабарни ўз асарида келтириб ўтган Заҳабий эса Яҳё ибн Маъин ёлғончи деганда Ибн Саъдни назарда тутган бўлиши мумкинлиги, аммо ўзининг назарида Ибн Саъднинг ростгўй экани, шу сабабдан Яҳё ибн Маъиннинг фикрига кўшилмаслигини ифода этган.

Баъзилар у ҳақида “Устози заиф, лекин ўзи сика” дер экан, Ибн Надим: “Мастурул ҳол, “сика”, сахоба ва тобеин ахборида олимдир” дейиш билан зоҳирان унингadolatiga ҳукм қилинишига қарши ўлароқ, ҳақиқатда қандай эканини билиб бўлмаслигини англатишни истаган (Ибн Надим, 2009). Ибн Халликон эса Ибн Саъднинг шарафли, фазилатли, “сика” бир шахс эканлигини таъкидлаган.

Бир гуруҳ муҳаддислар Ибн Саъднинг сика эканлигини қабул қилиш билан бирга, уни ўз асарига Вокидий, Ибнул Калбий ва “ал-Мағозий” соҳиби Абу Маъшар Синдий каби олимларнинг ривоятларини киритгани учун уни айблашган.

Масалан, Ибн Салоҳ Ибн Саъднинг сика эканлигини эътироф этиши билан бирга асарида Вокидий ва Ибн Калбийларнинг ривоятларини келтиргани учун уни танқид қилган.

Бироқ жарҳ ва таъдил олимлари ҳадис ривояти борасида танқид қилган ушбу шахслар, хусусан Вокидий ва Абу Маъшар Синдийларни сияр ва мағозий бобида ишончли деб билишган. Мисол учун, Ибн Саъднинг шахсан ўзи ҳам Абу Маъшарни “кўп ҳадис ривоят қилган заиф киши эди” деб баҳолашдан чекинмаган. Заҳабий ва Ибн Ҳажар каби мўътадил жарҳ ва таъдил олимлари эса уни тўғридан-тўғри ишончли шахс сифатида қабул қилишган.

И мом Нававий эса у ҳақда: “Устози Вокидий заифдир, аммо ўзи сикадир” деб ёзган.

Шунингдек, талабаси Ибн Фахум устози ҳақида: “Китоб ат-табақот” номли ушбу асарни ёзган, таҳриж ва тасниф қилиб ривоят қилган удир. Чуқур илм соҳиби, жуда кўплаб ҳадис ва ривоятларни билган, бир қатор китоблар ёзган, ҳадис илмидан тортиб ғарибул ҳадис ва фиқҳ каби кўплаб соҳаларда китоблар битган шахс эди” деб ёзган (Ибн Саъд, 2008).

Манбаларда Ибн Саъд сафар қилган илмий марказларда у таълим олган устозларининг исмлари ва уларнинг адади борасида фарқли маълумотларни тақдим қилинади. Булардан бирида ораларида Ибн Исҳоқ ва Абу Маъшар ҳам учрайдиган 239 та устозининг исми учрайди. Бироқ, бу ракамларнинг тўғри эмаслиги ва муболага экани кундек равшан. Чунки унинг устози деб зикр қилинган Ибн Исҳоқ ва Абу Маъшарнинг вафот тарихлари эътиборга олинганда Ибн Саъднинг уларга талабалик қилиши имконсиз бўлиб чиқади. Бу ўринда мақбул қарааш унинг юзталар чамаси устоздан дарс олгани қарашидир.

Ибн Саъднинг камол топишида катта хисса кўшган устозларидан баъзилари шулардир: “Мағозий” муаллифи ва ислом тарихчisi Вокидий (ваф. 207/823), ҳадис ҳофизи Абу Нуайм Фазл ибн Дукайн (ваф. 219/834), Бағдод муҳаддиси номини қозонган Аффон ибн Муслим (ваф. 220/835), тарихчи ва ансаб олими Мадоиний (228/843), тил ва адабиёт олими Абу Зайд Ансорий (ваф. 215/830), ҳадис олими ва ҳофиз Суфён ибн Уяйна (ваф. 198/814) ва ҳадис олими Холид ибн Махлад (ваф. 213/828).

Ибн Саъд асарларининг бизгача етиб келишида талабаларининг нақл қилган ривоятлари фоят муҳим ҳисобланади. Бироқ манбаларда унинг талабалари ҳақида кўп маълумот келмаган. Улар ҳақидаги

маълумот жуда ҳам қисқа. Шогирдларидан баъзилари шулардир: нахъ ва тил олими Аҳмад ибн Убайд (ваф. 278/891), тарихчи ва насаб олими Балазурӣ (ваф. 279/892-893), муҳаддис ва мутасавиф Ибн Абу Дунё (ваф. 281/894), ҳадис олими Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усома (ваф. 282/895) ва “Табақот” ровийларидан Ҳусайн ибн Фаҳум (ваф. 289/901).

Ибн Саъд улкан илмий мерос қолдирган. Бу борада биргина “ат-Табақот ал-кубро” асарининг ислом тарихи ва маданиятидаги ўрни бекиёс. Унинг асарларидан баъзилари бизгача етиб келган, баъзиларининг эса номларигина бизга маълум. Манбаларда унга нисбат берилган асарлар куидагилардир:

1) “Китоб ат-Табақот ал-қабир” (“ат-Табақот ал-кубро”). Манбаларда “ат-Табақот ал-қабир” ёки “ат-Табақот ал-кубро” номлари билан зикр қилинган ушбу асар илк табақот китоби экани билан ажратиб турди. Ибн Саъднинг ушбу асари икки қисм: сияр-мағозий ва табақот бўлимларидан таркиб топган. Ибн Саъд Пайғамбар алайҳиссаломнинг сийратлари баён қилинган биринчи бўлимда ўзидан аввал ёзилган сияр-мағозий китобларидан фойдаланган. Буларнинг энг бошида Ибн Исҳоқ, Абу Маъшар, Мусо ибн Үқба ва устози Воқидийнинг асарлари келади. Муаллиф ўз асарининг биринчи жилдини Расууллоҳ (с.а.в.)ни бошқа пайғамбарлар билан боғлаб, қисқача рисолат тарихини ёритиш билан бошлаган. Кейин Пайғамбар алайҳиссаломнинг рисолатдан аввалти ва кейинги ҳаётлари батағсил тасвирланган. Ибн Саъд Мадина даври воқеаларини ифодалашда Ибн Исҳоқдан фарқли усул қўллаган. Ибн Исҳоқ воқеаларни хронологик тартибда келтирган бўлса, Ибн Саъд Расууллоҳнинг давлат раҳбарлари ва қабила раисларига юборган исломга даъват мактублари ва араб қабила ҳайъатларининг Мадинага келиши ривоятларидағи каби айни мавзуларни бир ерда қаламга олишни маъқул кўрган. “Табақот”нинг аввалги асарлардан энг муҳим фарқи муаллиф Пайғамбар алайҳиссаломнинг Таврот ва Инжилдаги сифатларидан бошлаб, у зотнинг ахлоқи ва шахсий фазилатлари, сўзлашув, юриш, кийиниш, еб-ичиш каби кейинги даврларда “далоил ан-нубувва”, “аломат ан-нубувва” ва “шамоил” китобларида келадиган мавзуларга ўрин ажратганидир. “Табақот”нинг иккинчи жилди Расууллоҳнинг ғазот ва сарийлари билан бошланиб, бу қисмда Пайғамбар алайҳиссаломнинг Ҳажжатул вадодан кейинги ҳаётлари ва вафотларига анча кенг тўхтаб ўтилган.

Ибн Саъд асарининг иккинчи бўлими бўлган табақот қисми саҳоба, тобеин, таба тобеин ва муаллиф вафот этган 230/845 йилга қадар бўлган кишиларнинг таржима ҳолини ўз ичига олади. Шу тариқа асарнинг учинчи жилди саҳобалар ҳаёти билан бошланади. Ибн Саъд саҳобаларни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг давлат даромадларини тақсимлаш бўйича ишлаб чиқсан девон дафтарларида тартибга мувофиқ ҳолда Исломни қабул қилган вақтлари ва ғазотлардаги иштирокларига кўра беш табақага ажратган: Биринчи табақа – Бадр ғазотида қатнашган муҳожир ва ансор, иккинчи табақа – Ҳабашистонга ҳижрати сабаб Бадр ғазотида қатнаша олмаганлар ва Ухуд ғазотида иштирок этганлар, учинчи табақа – Ҳандак жанги ва ундан кейинги жангларда қатнашган ҳамда Макка фатҳидан аввал мусулмон бўлганлар, тўртинчи табақа – Макка фатҳи асносида ва ундан кейин мусулмон бўлганлар, бешинчи табақа эса ёшлиқ вақтида Пайғамбар алайҳиссаломни кўришга эришган бола саҳобийлардан иборат.

Ибн Саъд ушбу беш турли тақсимловдан кейин саҳобаларни макон унсури бўйича янгитдан таснифлаб чиқсан. Бунга кўра, аввало Мадинада яшаганлар, сўнгра Макка, Тоиф, Яман, Ямома ва Баҳрайн, Куфа, Басра, Мадоин, Хурросон, Шом, ал-Жазира ва Мисрга бориб ўрнашган саҳобалар ҳақида сўз юритилади. Бошқа тарафдан тобеинлар ҳам умумий ҳолда йигирма билан ўн ёш фарқлари, яшаган шаҳарлари ва ёшлари бўйича табакаларга бўлинган, кейин эса табаа тобеин ва улардан кейингилар жойлаштириб чиқилган. Асарининг сўнгги жилдини эса муаллиф аёл саҳобийлар биографиясига бағишилган.

### МУҲОКАМА

Ибн Саъднинг табақот жанридаги бизгача етиб келган энг қимматли асари бўлмиш “ат-Табақот ал-кубро” илк бор Эдуард Сахау бошчилигидаги ҳайъат тарафидан қайдлар иловаси ва қисман немисча таржимаси билан тўққиз жилд ҳолида нашр қилинган. Сўнгги жилди кўрсаткичлардан иборат ушбу нашр “Китоб ат-табақот ал-қабир” номи остида чоп этилган (Лейден, 1904-1940). Ислом оламида эса мазкур нашр асос қилиб олинган ҳолда кўшилган қайдлар чиқарилгандан сўнг илк бор “ат-Табақот ал-кубро” номи билан нашр қилинган. Биринчи бўлиб Муҳаммад Ҳалил Ҳижзозий тарафидан тўрт жилда (Қохира, 1358/1939); иккинчи марта Эҳсон Аббос нашри билан охирги жилди кўрсаткичлардан иборат

холда тўққиз жилдда чоп этилган (Байрут, 1376–1377/1957–1958 ва 1380–1388/1960–1968 йилларда). Кейинчалик Зиёд Муҳаммад Мансур мадикалик тобеинларнинг тўртинчи ва бешинчи табакалари ҳамда учинчи ва олтинчи табакаларидаги камчиликларни тўлдириган қисмлар билан бирга нашр қилирган (Мадина, 1403/1983). Муҳаммад Али Идлиқий ва Муҳаммад Аввомалар ҳам Лейден ва Байрут нашрлари билан Зиёд Муҳаммад Мансурнинг мадиналик тобеинлар табакасига оид якунловчи қисм учун фехрист тузишган (Фихрис ал-аълом ал-мутаржимин фит-Табақот ал-куброли Ибни Саъд, Байрут, 1406/1986). Муҳаммад Абдулқодир Ато эса Зиёд Муҳаммад Мансур тарафидан нашр қилинган мадиналик тобеинларга оид тўртинчи ва бешинчи табакаларни ҳам қўшиб ҳамда ўзи топган баъзи қўлёзмаларни кўрсатган ҳолда асарни саккиз жилд ҳолида нашр қилирган (Байрут, 1410/1990). Кейинчалик Абдулазиз Абдуллоҳ Суламий ушбу нашрларда учрамайдиган мадиналик саҳобаларнинг тўртинчи табакасини (I-II, Тоиф, 1416/1995); Муҳаммад ибн Сомил Суламий эса бешинчи табакасини нашр эттирган (I-II, Тоиф, 1414/1993). Сўнги ва мукаммал нашр эса Али Муҳаммад Умар тарафидан сўнги жилди индекс қилиб, ўн бир жилдда амалга оширилган (Қоҳира, 1421/2001). Туркияда Аднон Демиржан муҳаррирлигига ташкил қилинган ўн беш кишилик илмий ҳайъат Али Муҳаммад Умарнинг нашрини асос қилиб олган ҳолда асарни ўн бир жилдда турк тилига таржима қилган (Истанбул, 2014). Бу таржимада ҳам асарнинг сўнги жилди кўрсаткичларга ажратилган.

Ибн Саъдинг “Табақот” асари бошида келган икки жилдлик сияр қисми “ас-Сийратун набавий минат Табақот ал-кубр” номи билан алоҳида ҳам нашр қилинган (I-II, Қоҳира, 1409/1989). Айни шаклда турк тилида “Сийер” номи билан таржимаси нашр қилинган. Саҳобий болалар қисмидан ўрин олган Ҳасан розияллоҳу анхуга оид бўлим “Таржама ал-Имом ал-Ҳасан” (ношир Сайид Абдулазиз Таботабоий, Кум, 1416/1995), Ҳусайн розияллоҳу анхуга оид қисми эса “Таржама ал-Имом ал-Ҳусайн ва мақталуҳу” (ношир Сайид Абдулазиз Таботабоий, Байрут, 1416/1995) номи билан нашр қилинган. Шунингдек, ичига олган ҳадислари мавзуларига кўра тартиблangan ҳолда “Сунан ан-Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва айямуҳу” (ношир Абдусалом ибн Муҳаммад ибн Умар Алуш, I-II, Байрут, 1416/1995) ва ашъараи мубашшара ҳаётига оид бўлимлар бирлаштирилиб, “ал-Ашъаратул мубашшаратил-жанна” (Қоҳира)

номлари билан ҳам нашр қилинган. Асарнинг сийратга оид бўлими Муҳаммад Абдулҳамид (Агра, 1891) ва Маҳмуд Маҳдавий Домғоний (Техрон, 1369) тарафидан форсчага, С.Моинул-Ҳак-Ҳ.К.Ғазанфар тарафидан инглиз тилига (I-II, Нью Дехли) таржима қилинган. Аёл саҳобаларга оид сўнги қисм турк тилида алоҳида китоб ҳолида “Ҳаним саҳабилер” номи остида чоп этилган.

2) “Китоб ат-табақот ас-сағир”. Ибн Саъдинг “ат-Табақот ал-кубр”дан аввал ва унинг режасига уйғун тарзда ёзган мазкур китоби унинг талабаси Ибн Абу Дунё йўли билан бизгача етиб келган бўлиб, Истанбул Эски Асарлар Маркази Кутубхонасида 139 вараг ҳолида сақланмоқда. Башшор Аввод Маъруф ва Муҳаммад Заҳид Гул Ибн Саъдинг ягона қўлёзмаси мавжуд бўлган ушбу китобини “Китоб ат-табақот ас-сағир” номи билан икки жилдда нашр қилишган (I-II, Тунис 2009).

3) “Ат-Тарих”. Заҳабий Ибн Саъдинг шу номда асар ёзганини қайд этган. Бироқ, муаллиф ҳақида сўз юритувчи бошқа манбаларда ушбу китоб ва унинг мазмунига доир бирор маълумот учрамайди.

4) “Ахбор ан-Набий”. Бошқа манбалардан фарқли ўлароқ Ибн Надим Ибн Саъдинг шундай асари борлигини таъкидлаган. Кўплаб олимлар “Ахбор ан-Набий” ва “ат-Тарих” номли китоблар аслида “Табақот”нинг бошида келган сияр бўлими экани фикрини илгари суришади.

5) “Ал-Қасидатул хулвонийя фи ифтихорил Қаҳтонийин ъалал Аднонийин”. Фуад Сезгин Ибн Саъд шундай қасида ёзгани ва Фозий ибн Юсуф исмли киши бунга Қоҳирада бир шарҳ ёзганини таъкидлаган.

6) “Аз-Зухруфул қасрий фи таржамати Аби Саъид ал-Басрий”. Багдодлик Исмоил Пошо Ибн Саъд шу номда бир китоб таълиф этгани ва унда Ҳасан Басрийнинг ҳаёти қаламга олинганини ёзган. Бироқ бу асарнинг нусхалари ёки унинг Ибн Саъдга тегишлилиги борасида манбаларда бирор маълумот учрамайди.

Ибн Саъд асарлари орасида бизгача унинг “Ат-Табақот ал-кубр” ва “Ат-Табақот ас-сағир” асарларигина етиб келган. Шундай бўлса-да, мазкур икки асарнинг ўзи олим заковати ва даҳосини англаб етишга кифоя қиласи.

## ХУЛОСА

Буюк ислом тарихчиси, мухаддис, фаҳик, сийрат ва ансоб илмлари билимдони Ибн Саъд илк Аббосийлар даврида яшаб ижод қилди. У

яшаган давр ислом тарихнавислиги ривожланиш палласига кирган давр эди. Ибн Саъд “ат-Табақот ал-кубрө” асарини ёзип, илк ислом тарихидан бошлаб то ўзининг давригача яшаб ўтган шахслар биографиясини қаламга олди. Шу тариқа у биринчи бўлиб табакот жанрига асос солди. Унинг бебаҳо илмий мероси ҳали ҳамон ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Умуман олганда, “ат-Табақот ал-кубрө” асари ўз йўналишида ёзилган ва бизгача етиб келган асарларнинг энг қадимийси ҳисобланади. Ибн Саъд бу китобининг дастлабки икки жилдида Пайғамбар алайҳиссаломнинг сийратларини ёритганидан сўнг кейинги жилларда саҳобалар, сўнгра тобеинлар, кейин эса ўз давригача яшаб ўтган олимлар биографиясини ёзди. Минглаб шахслар таржимаи ҳолини баён қилган ушбу китоб ислом оламида кенг тарқалиб, ислом тарихи бўйича энг муҳим ва кўп мурожаат қилинадиган манбага айланди. Бугунги кунда замонавий нашрлари амалга оширилган мазкур асар бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Зеро, “Табақот” ислом тарихининг дастлабки уч асарини объектив ёритиб, мазкур давр шахслари, муҳим тарихий воқеалари, жамият ҳаёти ва илмий муҳитини ўзига хос услубда баён қиласди.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ibn Sa’d. Biographien Ibn Saad. – Leiden: Buchhandlung, 1909
2. S. Moninul Haq. Ibn Sa’d’s Kitab Al-Tabaqat Al-Kabir (Book of the Major Classes, II). – Karachi: Pakistan Historical Society, 1972.
3. İbn Sa’d. Kitâbü’t-Tabakâtî'l-Kebîr. – İstanbul: Siyer yayinları, 2020.
4. Ҳола Нашиф. Адёнул араб ва мұтакидотуха фи Табақот Ибн Саъд. Магистрлик иши. – Ливан: Жамиъатул Амарикия, 1972.
5. Мұхаммад Жабр Абу Саъда. Даврус-саҳобият фил мужтамиъ ал-исломий мин хилалил-китаб ат-Табақот ал-кубрө ли Ибни Саъд. – Макка: Жамиъату Үммұл Қуро. 1993.
6. Ибн Касир. ал-Бидоя ван-ниҳоя. – Байрут: Мактабатул Маъориф, 1990.
7. Ибн Надим. ал-Фехрист. – Байрут: Muassasa ал-Фурқон лит түрос ал-ислами, 2009.
8. Мұхаммад ибн Солиҳ ибн Жавод Сомирий. Ибн Саъд манхажхуҳу ва маваридуху фи китабиҳи ат-Табақот ал-кубрө. – Дубай: Дорул имод ад-дин, 2010.
9. Ибн Саъд. Табакот (Эхсон Аббос нашри). – Байрут: Дорул кутуб ал-арабий, 1968.
10. Сұхъ Солиҳ. Ибн Саъд муаррихан диросатан фил ҳаят ад-динийя вал ижтимаъийя фи фикбат ат-табиъин мин хилали китабиҳи ат-Табақот ал-кубрө. – Байрут: Дору Содир, 2008
11. Ибн Халликон. Вафаётул-аъён. – Байрут: Дору Содир, 1977. Ж. 3.
12. Ибн Ҳажар. Таҳзиб ат-тахзиб. – Қохира: Дорул китаб ал-исламий, 1994. Ж. 9.
13. Ибнус Салоҳ. Улулмұл-ҳадис (Нуриддин Итр таҳқиқи). – Дамашқ (нашриёти кўрсатилмаган), 1984.
14. Заҳабий. Сијр айлом ан-нубало. – Байрут: Muassasa ар-Рисала, 1982. Ж. 10.
15. Заҳабий. Тарихул ислам. – Байрут: Дорул кутуб ал-арабий, 1990.
16. Заҳабий. Тазкиратул хуффоз. – Байрут: Доират ал-маориф, 1954. Ж. 1.
17. Шаъбон Ўз. Илк сийрат манбалари ва муаллифлари. – Истанбул: ISAR нашриёти, 2006.
18. Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадийятул орифин. – Истанбул (нашриёти кўрсатилмаган), 1955. Ж. 2.
19. Mahmut Kelpetin. İbn Sa‘d’ın Hayatı, Eserleri, Hocaları ve Öğrencileri. Bir Âlim, Bir Eser. İbn Sa‘d ve Tabakat. Sempozium Bildirileri. – İstanbul: Siyer yayınları, 2014.
20. Mehmet Özdemir. İbn Sa‘d’ın Yaşadığı Dönem ve Çevre. Bir Âlim, Bir Eser. İbn Sa‘d ve Tabakat. Sempozium Bildirileri. – İstanbul: Siyer yayınları, 2014.
21. Мустафа Файда. Туркия Диёнат вакфи энциклопедияси, “Ибн Саъд”. – Истанбул: Диёнат вакфи нашриёти, 1999. Ж. 20.
22. Мұхаммад Амин Йилдирим. Бир олим, бир асар. – Истанбул: Сийрат нашриёти, 2014.
23. Фуад Сезгин. Тарих ат-турас ал-арабий. – Ар-Риёд (нашриёти кўрсатилмаган), 1991. Ж. 2.
24. Хатиб Бағдодий. Тариху Бағдод. – Байрут: Дорул араб ал-исламий, 2001. Ж. 5.

